



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№31 (984)

2026 йил 24 апрель, жума

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Бутун бир даврнинг  
меъморий  
тафаккурини  
belgilaган  
shaxs



Қарор ва ижро

## Қадимий Ғиждувон замонавий қиёфада

Бугун Янги Ўзбекистонда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий кудратини ошириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, шаҳар ва қишлоқларни обод масканларга айлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.



▲ Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси.



▶ Ғиждувондаги 24-мактаб.

Айниқса, чекка ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инфратузилмани янгилаш, туризм ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлар халқ ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 1 апрелда қабул қилинган "Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туманларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарори ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, мамлакатимиздаги 16 та шаҳар ва туман қаторида қадимий ва хунармандчилик маркази саналган Ғиждувон тумани ҳам танлаб олинган.

Бугунги кунда ушбу қарор ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар натижасида Ғиждувон том маънода

янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда. Туман учун 30 дан ортиқ лойиҳа шакллантирилиб, улар 3 та устувор йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Жумладан, туман марказини аҳоли яшashi ва дам олиши учун қулай ҳудудга айлантиришга 21 миллиард сўм, туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга 46,2 миллиард сўм, sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга 2,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Умумий ҳисобда 70 миллиард сўмлик молиявий кумак Ғиждувоннинг янги қиёфасини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ғиждувон тумани ҳокими ўринбосари Элдор Фармоновнинг таъкидлашича, қарор ижроси асосида маҳалларда кенг қамровли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

## Зоминнинг оқ цементига ташқи бозорда талаб ортмоқда

Кейинги йилларда Жиззах вилоятининг Зомин тумани инфратузилмаси қайта шакллантирилган, ҳудуд юртимиздаги энг гўзал сайёҳлик масканларидан бирига айланди ва иқтисоди бир неча бараварга ошди. 100 дан ортиқ замонавий лойиҳа натижасида тумандаги маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгарди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қолаверса, обод ва кўрам манзилларни шакллантириш билан бирга тоғлардаги турли хил хомашёлардан самарали фойдаланиб, уларни қайта ишлаш ҳисобига истеъмолбоп материаллар ишлаб чиқариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада геологлар билан қурилиш соҳаси мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилган истиқболли изланишлар кутилган самарани бермоқда. Бугунги кунда бу ердаги тошлардан ҳар хил sanoat маҳсулотлари тайёрланаётгани бунга мисолдир. Уларнинг



аксарияти қурилишбop материаллар бўлгани боис, ҳудудларда бунёд этилаётган кўп қаватли турар жойлар ва бошқа иншоотлар қурилишида муҳим ўрин тутмоқда.

Тошни майдалаш ва унга қайта ишлов бериш осон иш эмас. Президентимизнинг шу йўналишга қаратилган қарор ва давлат дастурлари бу каби муаммоларга ижобий ечим топишда тадбиркорларга мадад бўлмоқда.

Бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, қурилиш материали тайёрлашга ихтисослашган заводни ишга туширган тадбиркорлардан бири – Иброҳим Ҳалил Алканатдир. Унинг Даштобод шаҳарчасидаги 10,3 гектар майдонда жойлашган "Dal Teknik Zomin Cement and Lime" МЧЖ корхонаси бугун нафақат республикамизда, балки қўшни давлатлар учун ҳам оқ цемент ишлаб чиқараётган энг йирик sanoat корхонаси сифатида эътироф этилмоқда.

Бунёдкорлик соҳаси вакилларининг фикрича, оқ цемент қурилиш ва архитектура соҳасида алоҳида ўрин тутади. У нафақат конструкцияни мустаҳкамлайди, балки иншоотга эстетик кўриниш ҳам бағишлайди. Айни пайтда Зомин ёрлиги билан ишлаб чиқарилаётган цементнинг оқлик даражаси 85-90 фондан иборат. Ишлаб чиқариш жараёни эса юқори сифат ва барқарорликни таъминляпти. Муҳими, маҳсулот халқаро талабларга 100 фоиз жавоб бергани натижасида ташқи бозорда ҳам унга талаб ортмоқда.

Ҳозирги кунда Зоминда ишлаб чиқарилаётган оқ цемент Тожикистон, Қирғизистон ва Қозғистон бозорларига экспорт қилинмоқда. Оқ цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур лойиҳа туфайли Зоминнинг sanoat салоҳияти бир неча бараварга ошди. Қолаверса, ёшларнинг бандлиги таъминланиб, иқтисодий фаоллик ҳам ортмоқда. Бу жиҳатдан экспорт ҳажми ва географиясини янада кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватини йилига 140 минг тоннага етказиш бўйича яна бир неча лойиҳа тайёрланмоқда.

Мақолани ёзиш жараёнида Зомин тумани ва унинг бағрида жойлашган сўлим тоғлар бўйича яна бир хушхабар эшитдик. Маълумотларга кўра, давлатимиз Зомин тоғларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш жараёнини бошлаб юборди. Бу янгилик нафақат туман, балки вилоят ҳудудлари янада гуллаб-яшнаши, инфратузилма ривожланиб, жаҳон талаби даражасидаги лойиҳалар асосида қўшимча меҳмонхоналар, кўп қаватли бинолар қурилиши ва сайёҳлар оқими бир неча минг баробар ортишига имкон яратиши шубҳасиз.



▶ Ислom цивилизацияси маркази.

## Ислom цивилизацияси маркази – Гиннеснинг рекордлар китобида!

Ватанини севишини баландпарвоз сўзлар билан айтадиганларни ёқтирмайман. Менимча, шоир ёзган шеъри, ёзувчи ижоди, меъмор яратган лойиҳаси, қурувчи эса қурган иншооти, ўқувчи тарбиялаган ўқувчиларининг ютуғи билан Ватанини севган, унинг ривожига ҳисса қўшган ҳисобланади.

Райҳона ХУҲАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Яқинда Тошкентдаги Ислom цивилизацияси маркази расман "Энг йирик Ислom цивилизацияси музейи" сифатида Гиннеснинг рекордлар китобида киритилди. Рости, бу хабар шу юртининг олдий бир фуқароси сифатида мени жуда қувонтирди. Марказ лойиҳасининг яратилишидан тортиб, қурилиши ва тўлиқ биттунига қадар бўлган жараёндан хабардор бўлганим учун ҳам бу эътироф унга ҳақиқатан мос, дея иккиланмай айта оламан.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши, деганларидек биз ҳам йиллар давомида ёзганларимиз, ўқиганларимиз, мутахассислардан эшитганларимиз билан бевосита танишиш мақсадида Марказни томоша қилишга бордик. Узоқданоқ кўзга яққол ташланадиган



муҳташам иншоотни кўриб, қалбимда ҳаяжон хурсандчилиқ қоришиқ жўшқин бир туйғу йўғонди. Ичкарига кириш истагидаги юртдошларимизнинг қўлигини кўриб эса, қувончим янада ортди. Чунки юртини севган инсон унинг тарихига, аждоқларининг қимлигига, қилган ишларига ҳам қизиқиши табиий.

Ичкарига киргач, тўрт томонимдаги бетакрор манзарага ҳайрат ила боқарканман, буюк аждоқларнинг авлоди эканлигимдан кўксим яна бир бор ғурурга тўлди. Ҳаммаси жуда олий даражада: ташкилий масалалар, кутиб олувчилар, назоратчилар, маълумот берувчи гидларнинг билим ва маҳорати таҳсинга лойиқ.

Мақташганича бор экан. Ҳар бир зал ўзига хос мақсадга йўналтирилган бўлиб, мазмунига мос тарзда тасвирланган. Бу ерга келган инсон беихтиёр тарих билан юзлашади, қалби ором олиб, сокинлик истайди. Ҳар бир буюм, ҳар бир экспонат, ҳар бир маълумот ўзини англарилиган инсоннинг қалбига ўзгача таассурот қолдириши шубҳасиз.

Тўғри, томошабинларнинг ҳаммаси ҳам тарихий маълумотлардан бохабар бўлиш учунгина келмаган. Баъзилари шунчаки кимдигар шерик бўлиб, бошқаси айланаш учун янги жой сифатида қизиқиш, яна кимдир ишхонаси ёки ўқий жойидан мажбурий равишда келган бўлиши мумкин. Аммо уларнинг атиги ўн фоизи ҳам бу ердан нимадир олиб кетса ҳам, минглаб инсонларнинг меҳнати бесамар кетмаган бўларди, деб ўйлайман.

Яқинда қизим ҳам синфдошлари билан Марказни томоша қилишга боришди. Қайтач, атайлаб ундан фикрини сўрамадим. Шунда ўзи "Аждоқларимиз рости ҳам зўр одамлар бўлган экан", деб қолди.

– Наҳотки, энди билган бўлсанг. Ахир, тўққиз йилдан бери мактабда тарих билан адабиётдан улар ҳақида ўқиб, ўргангансан-ку? – дедим ҳайрон бўлиб.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



▼ Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний макбараси.



# Қадимий Гиждувон замонавий қиёфада

1 – Қўрғон маҳалласида худудни обод этиш ишлари изчил давом этмоқда. Илгари фаолият юритган мусика ва санъат мактаби биноси негизда 22 нафар хунармандлар бирлаштирилган замонавий хунармандлик маркази ташкил этилмоқда. Бу ерда кулчилик, мискарлик, наққошлик, каштачилик каби миллий хунарлар ривожлантирилади. Шунингдек, Сардор маҳалласидаги "Нурафшон" истироҳат боғи ҳам тўлиқ қайта таъмирланмоқда. Боғ атрофидаги 500 метрдан ортиқ йўл янгидан асфальтланган, замонавий пиёдалар йўли барпо этилди. Бу каби ишлар аҳоли дам олиши, болалар ва ёшлар учун соғлом муҳит яратишга хизмат қилади. Шунингдек, Саидкент маҳалласида 7,5 миллиард сўм эвазига қарий 1 километр масофани қамраб олган "Соҳилбўйи дам олиш маскани" қурилмоқда. Ушбу маскан оилавий ҳордиқ чиқариш, ёшлар спорт билан шуғулланиши ва турли маданий тадбирлар ўтказиш учун қулай худудга айланади. Шу билан бирга, туманда 12 миллиард сўмлик лойиҳа асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган 8 қаватли, 5 та кампусдан иборат замонавий тиббиёт шаҳарчаси қурилмоқда. Бу эса, тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳолига яқин ва тезкор хизмат кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий диагностика имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади, – дейди Элдор Фармонов.



▼ Спорт мактаб интернати.

ларини реставрация қилиш, хунармандлар маркази ташкил этиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш, худудни ободлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада бу ерда 300 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, бугундан мазкур маскан маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда. Япониялик меҳмон Есико Хару Гиждувон кулчилик маҳалласида бўлиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

– Мен кулчилик санъатига қизиқман. Шу боис Гиждувонга келишни орозу қилганман. Бу ерда усталар жараённи жуда сабр билан тушунириб беришди. Ҳар бир нақшда катта меҳнат ва санъат мужассам. Энг муҳими, бу ерда хунар авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани мени ҳайратга солди. Бундай меросни асраш жуда муҳим.

"Олтинсой" экотуристлик маскани ҳам туман тараққиётида янги саҳифа очмоқда. Қисқа вақт ичида қарий 2 миллиард сўм маблағ эвазига ташкил этилган ушбу маскан маҳаллий ва хорижий меҳмонларни қабул қилишга тўлиқ тайёр.

– Масканимизда бир куннинг ўзида 200 нафардан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатиш имкони бор. Бу ерда эко, сафари, этно ва бошқа туризм йўналишлари йўлга қўйилган. Атрофга 50 мингдан зиёд дархат экиб, саҳрони яшил худудга айлантиришга ҳаракат қилдик, – деди тадбиркор Икlima Жўраева ўза муҳбири Зариф Комилгова.

Саидкент, Денов, Тодон, Сардор, Барака каби ўндан ортиқ маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш ишлари жадал кетмоқда. Шунингдек, учта маҳаллада хизмат кўрсатиш ва саноат соҳасида ўн та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 2500 та янги иш ўрни яратилади. Аҳоли бандлиги ошади, тадбиркорлик фаоллиги кучаяди, туризм хизматлари кенгайди, маҳаллий бюджет тушумлари ортади.

330 минг аҳоли истиқомат қиладиган Гиждувон туманида бугун амалга оширилаётган ишлар янги ҳаёт, янги иқтисодий муҳит ва янги келажақдан дарак бермоқда. Қадимий хунармандчилик анъаналари, зиёрат туризми, замонавий тиббиёт, янги боғлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва ишлаб чиқариш корхоналар том маънода Янги Гиждувонга айланмоқда.



▲ «BUXORO FAYZ TEKSTIL».

## Тоннел ва йўл ўтказгич қурилмоқда

2022 йилдан буён "Абу Даби Тараққиёт Жамғармаси" иштирокида "Самарқанд шаҳрида сув таъминоти тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Айни пайтда "Memor Utkir Chovka" МЧЖ қурувчилари Самарқанд шаҳридаги Гагарин ва Рўдакий кўчалари кесилишидаги йўл ўтказиш қурилишини ниҳоясига етказиш арасида. Илгари мазкур МЧЖ ва Хитойнинг "Shandong Bridge Group Co. LTD" консорциуми билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳридаги Гагарин ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесилишида ер ости транспорт тоннели, 2 та ер ости пиёдалар йўлининг қурилиш ишларини якунлаган эди.

Ушбу кўчалар кесилишидаги йўл ўтказгич тоннели қурилишида лойиҳадаги 729 дона бетон қозик қозилди. 68 метр узунликда панжара

қуриш ишлари якунланди. Лойиҳада кўрсатилган 54 дона 18 метрлик темир бетон балкалар тўлиқ монтаж қилинди. Тоннелнинг ички түпроғи тўлиқ чиқарилиб, очилди. Айни вақтда тоннелнинг ички фасад ишлари бажарилмоқда. Тоннелнинг Рўдакий кўчасидаги 2 та ер ости пиёдалар йўлагининг қурилиши 80 фоизга бажарилган. Қурувчилар йўлакнинг ички қисмида сўнгги фасад ишларини олиб боришмоқда.

Йирик лойиҳа доирасида Гагарин кўчасини Мотрид кўчасига олиб чиқадиган 1,2 километрлик автомобиль йўли қурилиши ҳам кўзда тутилган эди. Бунинг учун темирйўл устидаги эски кўприк ўрнида замонавий йўл ўтказгич қуриш ҳам режалаштирилган.

– Мазкур кўприк қурилиши бошланганига 3 ойдан ошди, – деди "Memor Utkir Chovka" МЧЖ участка бошлиғи Ҳасан Жалилов. – Узунлиги 82 метр, эни 35 метр бўлган кўприкнинг асоси учун 53 та бетон қозикнинг қурилиш-монтаж ишларини бажариб, ҳозирда 326,4 м3 панжара қуриш ишларини давом эттиряпмиз.

Янги йўлни қуриш учун Матонат маҳалласида жойлашган 100 дан зиёд аҳоли уй-жойлари, шунингдек, корхона ва ташкилотларга қарашли омбухона ва бошқа ёрдамчи бинолар бошқа худудларга кўчирилди. Лойиҳа асосида Сиеб каналининг шу худудда жойлашган қисмида ҳам замонавий кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилди. Узунлиги 198 метр, баландлиги 13 метрли ташкил этувчи йўл ўтказгич канал устидан ўтиб, йўлни Маърифат маҳалласи билан боғлайди. Айни пайтда кўприкнинг бетон қозиклари ва панжараларнинг бетон ишлари давом эттирилмоқда. Объектларда 65 нафар ишчи ва 26 дан зиёд махсус техникадан фойдаланилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тоннел ва кўприклар қуриш, йўл ва кўчаларни кенгайтириб, реконструкция қилиш шаҳримизда йилдан-йилга тизиллиб бораётган транспорт юкмасини тартибга солиб, аҳоли учун қулайликлар яратишни кўзда тутади.

## Бахтли болалик манзиллари

▼ Бухоро шаҳрининг Отбозор маҳалласида жойлашган 24-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти.



сатиб, бинони таъмирлашди ҳамда унинг имкониятларини кенгайтиришди. Муҳими шундаки, капитал реконструкциядан сўнг боғчанинг қуввати 90 ўриндан 120 ўринга ошди. Бу эса, ота-оналар учун қўшимча қулайлик яратди.

Ҳозирда муассасада 112 нафар болажон тарбияланмоқда. Уларга таълим бериш ва парвариш қилиш учун 30 нафар малакали мутахассис жалб этилган. Муассасанинг тантанали очилиш маросимида шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, яратилган шарт-шароитларни юқори баҳоладилар. Шинам ётоқхоналар, замонавий ошхона, турли кўргазмалар қуроллар билан жиҳозланган ўқув хоналари ҳамда хавфсиз ўйин майдончалари болажонларнинг интеллектуал ва жисмоний ривожланиши учун хизмат қилади.

Бугунги кунда шаҳарда жами 135 та боғча фаолият юритаётган бўлиб, шундан 77 таси давлат, қолганлари эса хусусий ва оилавий шаклдаги муассасалардир. Худудда 3-7 ёшли 22 минг нафарга яқин бола таълим тизими билан тўлатқис қамраб олинган.

Ҳар қандай миллатнинг эртанги кунини унинг фарзандлари бугун қандай шароитда камол топаётганига боғлиқ. Мактабгача таълим масканлари эса жажожи ўғил-қизларнинг дунёқараши шаклландирган илк ва энг муҳим манзил ҳисобланади. Шу боис, Бухоро шаҳрининг Отбозор маҳалласида жойлашган 24-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг қайта қурилиши худуд аҳолиси учун ҳақиқий маънавий байрамга айланди.

Зулфизар МАВЛОНОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган ва йиллар давомида маънан эскирган ушбу бино бугун замонавий архитектура андозалари асосида қайта қурилди. Ушбу хайрли ўзгаришларнинг замирида халқимизнинг иродаси ва "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг имкониятлари мужассам. Бинони замонавий меъёрларга мослаштириш учун 1,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Қурилиш ишларида "Modern ideal buildings" МЧЖ бунёдкорлари маҳорат кўр-

## Ислон цивилизацияси маркази – Гиннеснинг рекордлар китобида!

1 – Тўғри, бугунги маълумотлар мен учун янгилик эмас. Буларни аввал китоблардан, устозлардан кўп эшитганман. Аммо бориб кўрганимда ич-ичимдан қандайдир бошқача фахр туйғусини ҳис қилдим, негадир ҳар бир маълумотни ҳаяжонланиб тингладим...

Мана... Мен кутган натижа шу эди, аслида. Қизим болаларча соддалик билан таърифлай олмаган туйғу – ватанпарварлик ҳисси, уни севишнинг оддий бир кўриниши эди.

Мен мақсадимга етгандим. Биз мақсадимизга етгандик. Бу муқаддас масканга қадами теккан ҳар бир юртдошимизнинг қалбида ана шундай туйғу уйғонса, демак Юртбошимизнинг истаги, унинг ташаббуси, маслаҳат ва кўрсатмалари ҳам бекор кетмаган. Келиб оламшумул билим олимасин майли, селфи тушиб кетса ҳам майли, фақат уюрга динимизнинг "жиз" этса, кўксидан Ватанга нисбатан бир муҳаббат уйғонса, шунинг ўзи кифоя.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган ушбу мажмуа бугун нафақат меъморий обида, балки ислон илмий ва маданий меросини дунёга танитувчи энг йирик платформага айланди. Шунингдек, у Туркий дунёнинг энг яхши музейи деб ҳам эътироф этилди. У илмий салоҳият, маданий мерос ва замонавий технологияларни ағона маконда бирлаштирган "Янги Ўзбекистон"нинг ноёб маданий-маърифий платформаси сифатида қад ростлади. Лойиҳа давлат раҳбарининг миллий ўзликни англаши мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистонни жаҳон майдонида Ислон цивилизациясининг асосий марказларидан бири сифатида тарғиб қилиш борасидаги стратегик қарарларини акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мукофотни топириш маросимида Guinness World Records расмий вакили ва ҳаками – Шейда Субаши иштирок этиб, Марказ барча халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беришини тасдиқлади. Тадбирда, шунингдек, лойиҳани амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшган меъморлар, олимлар, дизайнерлар ва қурувчилар иштирок этди. Мукофот Марказ Илмий кенгаши аъзоларига топширилди.

– Guinness World Records расмий вакили си-


фатида шуни айтишим мумкинки, музейнинг ҳар бир бурчаги ва тақдир этилган ҳар бир экспонат ўзига хос ноёбликка ҳамда маданий қийматга эга, – деди тадбир жараёнида Шейда Субаши. – Ушбу мажмуани барпо этиш ортида йиллар давомида олиб борилган кенг кўламли ва машаққатли меҳнат ётганлиги яққол кўриниб турибди. Музей мени жуда ҳайратда қолдирди – бу ҳақиқатан ҳам чуқур ва мазмунли таърибга бўлди. Ташриф доирасида барча нарсани тўлиқ қамраб олишнинг имкони бўлмасада, баҳолаш жараёни белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилди. Расмий логбук (қайдарлар дафтари)ка ҳар бир экспонат қайд этилиб, ислон археологияси, санъати ва фани соҳасидаги мутахассислар томонидан тасдиқланди. Бу ерда амалга оширилган ишлар даражасидан чин дилдан ҳайратданам ва ушбу лойиҳани ҳаётга тадбиқ этишда иштирок этган барчага ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Бу улкан саъй-ҳаракатлар ва юксак профессионаллик натижаси бўлган улкан ютуқдир. Ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси алоҳида хурматга лойиқ. Guinness World Records тили билан айтганда, бу – ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли.

– Марказнинг ўзига хослиги шундаки, унинг меъморчилиги Ўзбекистоннинг бой маданияти ва меросини акс эттиради, – деди ушбу тадбирда иштирок этган лойиҳа бош меъмори Абдуқаҳҳор Турдиев. – Амалга оширилаётган ислотлар тўғрисида маълумотнинг ўзини нафақат фан ва маданият маркази, балки цивилизациялараро глобал мулоқотда фаол иштирок этаётган давлат сифатида намоён этиб, дунёга ишонч билан очилмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳати, бугунги кунда Марказ минтақанинг энг кўп ташриф буюриладиган маданий-илмий масканларидан бирига айланди: ҳар кунини унга 5 000 нафарга яқин ташриф буюрмоқда, бу эса ҳам Ўзбекистон фуқаролари, ҳам хорижий меҳмонлар томонидан қизиқчи юқори эҳтибор билан қараб келинади. Guinness World Records унвонининг берилиши эса, нафақат лойиҳа кўламининг эътирофи, балки уни амалга оширишда иштирок этган юзлаб мутахассислар, олимлар ва экспертлар меҳнатига берилган юксак баҳоқдир.



▼ Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти.



## Кўп қаватли уйларни иситишда “очиқ” ва “ёпиқ” тизимнинг аҳамияти

Кахрамон МОВЛЯНОВ,  
“Иссиқликтаъминоти” АЖ бош мутахассиси.



Иссиқлик таъминоти соҳасидаги маъжуд муаммоларни бартараф этиш, тизимдаги йўқо-тишларни қисқартириш ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги ПҚ-100-сонли қарорига асосан, “Иссиқликтаъминоти” акциядорлик жамияти ташкил этилди.**

Жамият ташкил этилганидан сўнг, иссиқлик таъминоти соҳасига жаҳон тажрибали асосида энергетикакор янги технологияларни жорий қилиш ва ушбу тизимни коммунал соҳанинг энг илгор йўналишига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хозирда республикамиздаги иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан 560 та қозонхона ва 4 089,4 километр иссиқлик тармоқлари орқали 761 662 та хонадонни 16 610 та кўп квартиралар уй ва 2543 та ижтимоий соҳа объектга иссиқлик энергияси етказиб берилмоқда. Ушбу даврда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар синовдан ўтказилган ҳамда марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиш ишлари бошланган. Соҳада амалга оширилаётган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари дейсизми, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида дейсизми, барча лойиҳаларда индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатиш орқали босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кун “очиқ” иссиқлик таъминоти тизимини “ёпиқ” иссиқлик таъминоти тизимига изчил ўтиш тақозо этмоқда. Шу сабабли, кўп квартиралар уйлар, мактаб, боғча ва шифоналарни иситиш тизимлари очиқ тизимдан ёпиқ тизимга ўтказилади. Бу орқали энергосарфлар тежалди, ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилиши эвазига сув ҳарорати ва босими аниқ кўриниб туради, жумрак очилганда иссиқ сув келишини узоқ кутишга тўғри келмайди.

### “Ёпиқ” иссиқлик таъминоти тизими нима?

Ёпиқ иситиш тизимлари – бу қувур линиясида айланиб юрадиган сув фақат совутиш суви сифатида ишлатиладиган ва иссиқ сув таъминотини таъминлаш учун иссиқлик тармоғидан олинмайдиган тизимдир.

Индивидуал иситиш пунктлари (ИИП) иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларида иссиқлик энергиясини узатиш ва тақсимлаш учун мўлжалланган махсус қурилмалардир. Улар бино ёки мажмуага қирадиган иссиқлик энергиясини самарали назорат қилиш ва ўлчашни таъминлайди, шунингдек, бинолар ёки биноларнинг эҳтиёжларига қараб иссиқликни мослаштиришга имкон беради.


Техник параметрлар. Иссиқлик алмаштиригич тури – пластинка ёки қувур. Максимал ҳарорат 110°C гача (моделга қараб) бўлади, иш босими ўртача 1-1,6 МПа (дизайнга қараб)ни ташкил этади, қувват бинонинг эҳтиёжларига қараб 50 кВт дан бир неча МВтгача боради, насос ускуналари керакли босим ва оқимни таъминлаш учун бир ёки бир неча насослардан иборат бўлади.

### Бу икки тизимнинг нима фарқи бор?

Аксариyat иссиқлик таъминоти тизими очиқ тизим асосида қурилган бўлиб, бунда қозонхонадан келган сув бевосита хонадонлардаги батареялар ва иссиқ сув жумракларига юборилган. Ишлатилган сув йўқотилган ва уни қозонхонада қайтадан тўлдиритишга тўғри келган. Бундай тизим ўз даври ўлчовлари бўйича ўзини оқлаган, чунки илгари газ ва электр энергияси сарфини чекловчи метрлар мажмууд эмас эди. Бироқ энергияни тежашга интилаётган замонавий Ўзбекистон шароитида очиқ тизим самарасиз бўлиб қолди.

Бунда, ҳар бир кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатиш ташкил этилади. Индивидуал иссиқлик пунктлари (ИИП) “очиқ” иссиқлик таъминоти

▼ “Очиқ” иссиқлик таъминоти тизими.



▼ “Ёпиқ” иссиқлик таъминоти, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, “Ифтихор” МФЙ ҳудудига жойлашган “Юбилейний” қозонхонаси.

тизимини “ёпиқ” тизимга ўтказиш учун мўлжалланган қурилмадир. “Очиқ” иссиқлик таъминоти тизимида қозонхонадан бериладиган иссиқ сувнинг бир қисми тўғридан-тўғри коммунал-маиший эҳтиёжлар учун ишлатилади ва иссиқлик энергияси манбага қайтарилмасдан, истеъмолчилар томонидан оқизиб юборилади.

“Ёпиқ” иссиқлик таъминоти тизимида эса иссиқлик ташувчи, истеъмолчининг индивидуал иссиқлик пунктлари орқали ўз иссиқлигини бериб, ҳарорати пасайган ва ҳажмини йўқотмаган ҳолда иссиқлик манбага қайтарилади. Ўзи иссиқлик таъминоти корхоналаридан келган иссиқ сув истеъмолчига етарли ҳароратини бериб, ҳажми йўқолмаган ҳолда, орта қайтарилади. Иссиқлик тармоқларидаги меъёрий йўқотишлар бундан мустасно.

### “Ёпиқ” иссиқлик таъминоти тизимининг афзалликлари нимада?

– иссиқлик таъминотини очиқ тизимдан ёпиқ тизимга ўтказиш орқали 7 фоиздан 10 фоизгача энергия ресурсларининг тежаллишига эришилади;

– “ёпиқ” тизимга ўтиш орқали, аввало, қозонхоналарда кимёвий тазаланган сув тежаб қолинади;

– истеъмолчи, кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи ташкилот ва иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасида аниқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконияти яратилади, боиси, ҳар бир индивидуал иссиқлик пунктда замонавий, ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилади;

– истеъмолчиларга етказиб берилётган иссиқлик энергиясининг миқдори, ҳарорати ва босими тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида қайд этиб борилади, бунда истеъмолчи ҳам, таъминотчи ҳам аниқ кўрсаткичларга эга бўлади;

– иссиқлик таъминоти сифати ошади, чунки индивидуал иссиқлик пунктларининг иситиш блокдаги насослар уй ички иситиш тизимидаги радиаторларда иссиқлик ташувчининг бир маромда айланишини таъминлайди. Жумладан, битта хона исиб, иккинчиси исимай қолиши каби ҳолатлар бартараф этилади;

– кўп қаватли уйнинг сўнгги қаватидаги хонадонларда ҳам сутканинг исталган вақтида иссиқ сув жўришни очилган захоти иссиқ сув тушишига эришилади;

– ташқи ҳаво ҳароратига қараб иссиқлик таъминоти ҳароратини автоматик сошлаш имконияти яратилади. Натijasида иссиқлик энергияси иқтисод қилинади ва бу ўзидан иссиқлик таъминоти учун ойлик тўловлар камайишига замин яратади;

– индивидуал иссиқлик пунктлари рақамлаштирилгани ҳисобидан ҳудудлар ва республика миқёсидаги кўп қаватли уйлардаги иссиқлик энергияси параметрларини мониторинг қилиш, носоз эҳтиёт қисмлари бўйича маълумотларни онлайн олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш мақсадида иссиқликни сақловчи, шу жумладан, пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва химоя қобилигига ўралган, каналсиз ётқизиш имконини берувчи қувурлар ётқизилади.

### Ақлли ҳисоблагичлар қандай ишлайди?

Бугунги кунда абонентларга ақлли ҳисоблагичлар ўрнатила бошланди. Улар хизмат мuddати саккиз йил бўлган батареядан ишлайди ва маълумотларни LoRaWAN тизими орқали узатади. Ҳисоблагичлар сув истеъмоли ҳақида реал вақт режимида маълумот олиш имконини беради. Мазкур маълумотлар тўғридан-тўғри “Billing” тизимига келиб тушади, бу эса инсон омилини истисно қилади. Илгари кўрсаткичларни етказиш учун абонент офисга келиши ёки инспекторни кутиши керак бўлган. Бу орада маълумотлар йўқолиши ёки хато қайд этилиши мумкин эди. Рақамлаштириш доирасида 10 мингта яқин ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилган.

Бундан ташқари, Жаҳон банки иштирокида марказий қозонхоналар, иситиш тизимлари ҳамда тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиши, уйлар ва квартиралар ички иссиқлик таъминоти тизимларини ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимига ўтказган ҳолда тиклашни назарда тутувчи умумий қиймати 220,7 миллион АҚШ доллари бўлган Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТС-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, “Ифтихор” МФЙ ҳудудига жойлашган “Юбилейний” қозонхонаси тўлиқ “ёпиқ” иссиқлик таъминоти тизимига ишлайди ва 176 та кўп қаватли уйни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлайди.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 24-27 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими етакчи мутахассиси **Бобур Эшболтаев**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Оқова сувларни чиқариб юбориш ва тазалаш хизматлари кўрсатилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Фаррух Худаяров**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Ингма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Зокир Мирбобоев**, Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси **Асаббек Аҳмедов**,

“Qishloqquyulishlohiya” ДМ бош лойиҳа қидирув институти директори ўринбосари **Сапабек Сапаев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бўлими бошлиғи **Шерзод Гулямов**, муҳандис-геолог **Умиджон Тошматов**, муҳовачи **Василий Исайкин**,

“Ўзоғирсаноятлоийҳа” АЖ АСС-1 бош мутахассиси **Галина Яценко**, ВК бош мутахассиси **Светлана Случ**, СМО бош мутахассиси **Людмила Глухова**, ОВ катта муҳандиси **Мирзобит Мирқошипов**, ОРСК бош мутахассиси **Зулфия Тулпанова**, ЭТО муҳандиси **Баглан Естеуов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари бош архитектор **Абдирахим Мнажов**, Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Рахат Кутибоев**, қоровул **Жанибек Калбаев**,

Қашқадарё вилояти Қамаш тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамшид Уралов**, Деҳқонobod тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сухроб Абуев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Молия иқтисод ва шартномалар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси **Бехруз Жалолов**,

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

## “O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi” АЖ

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2026 йил 27 февралдаги 1408682 рақамли лицензияси  
Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор т., Катта Чилонзор-1, 4-уй

2025 йил 31 декабрь ҳолатига БАЛАНС (минг сўм)

АКТИВЛАР	
Узоқ муддатли активлар	22 527 659
Пул маблағлари	475 899
Қисқа муддатли инвестициялар	35 301 267
Дебитор қарздорликлар	5 579 673
Бошқа активлар	774 166
Баланс активи бўйича жами:	64 658 663
ПАССИВЛАР	
Устав капитали	40 000 000
Захира капитали	660 332
Сугурта захиралари	20 270 193
Қайта сугурталовчиларнинг сугурта захираларидаги улуши	914
Ҳисоб-китоблар	1 625 461
Тақсимланмаган фойда	2 103 592
Баланс пассиви бўйича жами:	64 658 663

2025 йил учун молиявий натижалар бўйича ҳисобот (минг сўм)

Сугурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум	10 398 105
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	6 986 161
Сугурта тўловлари	10 137 148
Харажатлар жами	13 684 849
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3 699 418
Фойда солиғи	415 958
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	3 283 459

Компаниянинг 2025 йил тўлиқ ҳисоботи билан [www.uzhayot.uz](http://www.uzhayot.uz) веб сайти орқали таъиниш мумкин.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончлиги МЧЖ “TEZKOR-MALAKA-NATPJA” аудиторлик ташкилоти

(Chilonzor tumani Davlat xizmatlari markazining 2025-yil 26-dekabrda 5761238-sonli guvohnomasi)

## ijtimoiy-iqtisodiy gazeta O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

**Тахрир хайъати:** Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алимов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Комил Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобур Эшмуродов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:** Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов Бош муҳаррир ўринбосари – Райхона Хўжаева Саҳифаловчи – Акмал Махкамов Муассасих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланади.

**“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎЗЎШҚЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ИМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеоранметЛИТИ” ДУК.

**Тахририят манзили:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:** 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00. **E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:** Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 441. 1336 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 22.15.



# Бутун бир даврнинг меъморий тафаккурини белгилаган шахс

Меъморчилик бу оддий бино қуриш эмас, балки замон, жамият ва инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ мураккаб ва чуқур мулоқотдир. Ҳар бир буюк меъмор ўз даврининг гувоҳи, муаллифи ва маълум маънода уни шакллантирувчи кучидир. Ана шундай сиймолардан бири – Ўзбекистоннинг машҳур меъмори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор”, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси раиси Азамат Тохтаевдир. У Ўзбекистон меъморчилиги тарихида нафақат йирик иншоотлар муаллифи, балки бутун бир даврнинг меъморий тафаккурини белгилаган шахс сифатида алоҳида ўрин тутди.

**Абдужаббор АЛИКУЛОВ,**  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Унинг ижоди ва фаолияти орқали биз нафақат бино ва иншоотларни, балки мустақилликдан кейинги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини ҳам кўриш мумкин.

## Санъат ва меҳнат уйғунлиги

Азамат Тохтаев 1946 йилнинг 25 апрелида Тошкент шаҳрида зиёли оилада дунёга келган. Бу мухит бевосита унинг эстетик диди, бадий қарашлари ва санъатга бўлган меҳрини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Санъат билан йўғрилган оилада улғайган бола учун шакл, ритм, композиция тушунчалари беғона бўлмайдди. Шу боис, у танлаган меъморчилик йўли ҳам тасодиф эмас, балки ички дунё талабининг мантиқий давомидир.

У 1964 йилда Тошкент политехника институтининг архитектура факультетига тахсил олган. Бу давр унинг ҳаётида муҳим бурилиш нуқтасига айланди. У ўқиб билган чекланиб қолмай, бир вақтнинг ўзига амалий фаолиятга ҳам киришди. Тажрибали ва машҳур меъморлар устахонасида малака ошириб, реал лойиҳалар устида ишлади. Бу эса, назарий билимларнинг амалий тажриба билан уйғунлаштиришга хизмат қилиб, унинг касбий шаклланиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштирди.

## Оддий техникдан академик даражасигача бўлган йўл

Азамат Рамзетдиновичнинг касбий йўли оддий техник меъморликдан бошланиб, йирик ва масъулиятли лойиҳалар бош меъморлигигача бўлган мураккаб, аммо изчил босқичларни ўз ичига олади. Бу йўл шунчаки лавозимлар ўзгариши эмас, балки чуқур тажриба, узлуксиз изланиш, сабр-тоқат ва фидокорона меҳнат натижасида шаклланган профессионал камолот йўлидир. У ҳар бир босқичда нафақат тажриба орттирди, балки ўзининг меъморий қарашларини бойитиб, тобора кенгроқ миқёсдаги вазифаларни бажаришга тайёрланди.

Малакали меъмор фаолияти давомида турли йўналиш ва даражадаги ташкилотларда ишлади. У лойиҳа институтларида меъмор сифатида фаолият юритиб, мураккаб лойиҳаларни яратиш бўйича тажрибасини орттирди. Реставрация илмий марказларида эса тарихий меросни асраш ва қайта тиклаш борасида чуқур билим ва нозик дид талаб қилинадиган фаолиятни олиб борди. Давлат бошқарув тизимидаги фаолияти орқали у меъморчиликни фақат ижодий жараён сифатида эмас, балки стратегик аҳамиятга эга соҳа сифатида англаб етди. Шунингдек, халқаро қурилиш фирмаларидаги иштироки унга глобал тажриба, замонавий технологиялар ва халқаро стандартлар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Мустақилликнинг илк йиллари А.Тохтаев фаолиятида алоҳида босқич бўлди. Айнан шу давр республика миқёсида меъморчилик сиёсатини шакллантириш, янги йўналишларни белгилаш ва миллий архитектура мактабини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Бу даврда унинг ташаббуслари ва қарорлари бутун мамлакат шаҳарсозлик ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

1998 йилга келиб, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси қурултоида уюшма раиси этиб сайланди ва ханузгача ушбу ташкилотга раҳбарлик қилиб келмоқда.

2000 йилдан бошлаб эса у давлат миқёсидаги юқори лавозимларда фаолият юритиб, архитектура ва қурилиш соҳасини стратегик жиҳатдан бошқариш, замонавий шаҳарсозлик тамойилларини жорий этиш ва йирик инфраструктураларни амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этди. Шу тариқа А.Тохтаев нафақат ижодкор меъмор, балки давлат миқёсида қарор қабул қилувчи ва ривожланиш йўналишларини белгиловчи етук мутахассис сифатида ҳам намоён бўлди.

## Шаҳар қиёфасини ўзгартирган лойиҳалар

Азамат Тохтаев ижоди орқали Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа йирик марказларида мутлақо янги меъморий қиёфа шаклланди. Унинг лойиҳалари нафақат алоҳида бинолар сифатида, балки бутун шаҳар маконининг визуал ва функционал қиёфасини янгилаган, замонавийлик билан миллийлик уйғунлашган муҳитни яратган омил сифатида аҳамиятлидир. Айниқса, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар орқали мамлакатнинг янги даврга қадам қўйганини, очиқлик ва тараққиёт сари интилаётганини меъморий образлар орқали кўриш мумкин бўлди.

Унинг муаллифлигидаги муҳим объектлар орасида Тошкентдаги Аквепарк мажмуаси алоҳида ўрин тутди. Бу маскан шаҳар аҳолисининг ҳордиқ чиқариш маданиятини янги босқичга олиб чиқиб, замонавий дам олиш инфратузилмасининг ёрқин намунаси бўлди. Шунингдек, “Интерконтиненталь” меҳмонхонаси пойтахтнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилган, замонавий архитектура талаблари асосида яратилган муҳим объектлардан биридир. Қолаверса, Халқаро бизнес маркази, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки биноси, “Tashkent Plaza” савдо мажмуаси ҳамда Форумлар саройи каби иншоотлар шулар жумласидандир.

Худудий миқёсда ҳам Азамат Тохтаев ижоди сезиларли из қолдирган. Хусусан, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам ўзининг меъморий маҳоратини намоён этиб, бунёдкорлик ишларида катта ҳисса қўшди. Мазкур иншоотларнинг барчаси бир жиҳат билан ўзаро боғланган, яъни улар фақатгина функционал объектлар эмас, балки давр рами, тараққиёт ифодаси, миллий ўзлик ва замонавийлик уйғунлигининг ёрқин намунасидир. Айнан шу жиҳати билан Азамат Тохтаев янги Ўзбекистон меъморчилигида янги босқични бошлаб берган муҳим ҳодиса сифатида баҳоланади.

## Мустақиллик – янги меъморий давр

1991 йилдан кейин Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини мустақил равишда белгилай бошлади ва бу жараён барча соҳалар қатори меъморчиликда ҳам туб бурилиш ясади. Эндиликда қурилаётган иншоотлар нафақат амалий эҳтиёжларни қондириши, балки янги давлатнинг гоёвий мазмунини, миллий ўзлигини ва халқаро майдондаги қиёфасини ифодалаши зарур эди. Ана шундай мураккаб ва масъулиятли даврда Азамат Тохтаев етакчи меъморлардан бири сифатида майдонга чиқди.

У ушбу тарихий босқичда янги давлат раамларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этди. Меъморчилик орқали мустақил давлатнинг кучи, барқарорлиги ва замонавий ривожланишга интилиши ифодаланиши керак эди. Айнан шу вазифани чуқур англаб, пойтахт

Тошкентнинг замонавий қиёфасини яратишга қатъий киришди. Унинг лойиҳаларида миллий анъаналар замонавий архитектура талаблари билан уйғунлашиб, янги давр руҳини акс эттирувчи меъморий образлар юзага келди. Шу билан бирга, у халқаро даражадаги архитектура стандартларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон меъморчилигини глобал тенденциялар билан уйғунлаштиришга эришди. Натижада, малакали архитектор ижоди орқали мустақил Ўзбекистоннинг визуал қиёфасини ифодалайдиган меъморий руҳ шаклланди.

## Ўтмиш билан мулоқот


Фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати – тарихий меросга бўлган эътибордир. У фақат янги бинолар қуриш билан чекланиб қолмай, балки ўтмиш меъморий ёдгорликларини асраб-авайлаш ва уларни замонавий ҳаётга мос равишда тиклаш ишларида ҳам фаол иштирок этди.

Хусусан, Бухородаги Арк қалъаси каби тарихий обидалар устида олиб борилган ишлар унинг реставрация борасидаги юксак маҳоратини намоён этади. Шунингдек, турли тарихий музей мажмуалари устида ишлаш жараёнида у меъмор сифатида ўтмиш ва бугунни уйғунлаштириш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Бу лойиҳаларда А.Тохтаевнинг асосий ёндашуви уч муҳим тамойилга асосланди. Жумладан, тарихий қатламларни максимал даражада сақлаб қолиш, замонавий элементларни эҳтиёткорлик ва мутаносиб тарзда киритиш ҳамда обиданинг асл руҳини йўқотмаслик. Айнан мана шу ёндашув тўғрисида у реставрация жараёнини оддий таъмирлаш эмас, балки маданий мулоқот даражасига кўтарди. Шундай экан, А.Тохтаев оддий меъморлик доирасидан чиқиб, маданий меросни асраб-авайловчи, тарих ва замонавийлик ўртасида кўпирчи вазифасини бажарувчи етук мутахассис сифатида намоён бўлди.

Қолаверса, Азамат Тохтаев ижодида марказий ўрин тутадиган муҳим тамойиллардан бири шундан иборатки, ҳақиқий меъмор бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам расм бўлиши зарур. Шу ўринда, Акбар Ҳакимовнинг “Архитектор – Азамат Тохтаев” номли китоб-альбомда машҳур француз меъмори Виолле де Люкка тегишли муҳим бир фикрни келтириши мумкин. Унда, агар меъмор янги ва оригинал архитектура шакллари яратмоқчи бўлса, у фақат қурувчи эмас, балки илм-фанни чуқур эгаллаган олим ва эстетик тафаккурга эга мусаввир бўлиши зарур, деган мазмун илгари сурилади.

Мазкур қараш Азамат Тохтаевнинг ижодий фаолияти ва меъморий фалсафасида яққол ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. У архитектурага оддий техник жараён сифатида эмас, балки юксак санъат тури сифатида ёндашади. Шу билан бирга, ҳар бир лойиҳа ортда пухта илмий асос, конструктив аниқлик ва қурилиш технологияларини мукамал билиш ётади. Айнан шу икки йўналиш – санъаткорона қараш ва муҳандислик билимининг уйғунлиги – А.Тохтаев ижодининг асосий пойдеворини ташкил этади.



## Устоз-шогирд анъанаси

Улкан билимга эга меъмор фаолияти фақат бинолар қуриш билан чекланмайди, балки у бутун бир меъморлар мактабини яратган устоз сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг касбий йўли давомида ёш авлодни тарбиялаш, уларга билим ва тажрибани узатиш доим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган.

А.Тохтаев ёш меъморларни тайёрлашда устоз-шогирд анъанасининг беқиёс аҳамиятига алоҳида ургۇ берди. У фақат назарий билим бериш билан қиёфоланмай, амалий тажриба орқали шогирдларнинг мустақил фикрлашини, ижодий ёндашувини ва касбий масъулиятини шакллантиришга интилади. Унинг атрофида шаклланган ижодий муҳит кўплаб истеъодли ёшларнинг камол топишига хизмат қилган.

Унинг фикрича, энг муҳим масала истеъодли топиш эмас, балки уни ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятларни яратишдир. Бу қараш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган бўлиб, замонавий таълим ва касбий ривожланиш тизимида муҳим методологик асос сифатида қаралиши мумкин.

## Давлат ва жамият олдидаги хизматлар

Азамат Тохтаевнинг кўп йиллик самарали фаолияти давлат томонидан юқори баҳоланган. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор” фарҳий унвони билан тақдирланган, шунингдек, “Меҳнат шўҳрати” ва “Дўстлик” орденлари ҳамда бошқа қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Бу мукофотлар шунчаки эътироф эмас, балки

унинг мамлакат ривожига қўшган реал ҳиссасининг ифодасидир. Унинг фаолияти давлат қурилиши, шаҳарсозлик сиёсати, маданий муҳитни шакллантириш ва миллий меъморчилик мактабини ривожлантириш каби муҳим йўналишларга бевосита таъсир кўрсатган. Шу боис, у нафақат йирик меъмор, балки жамият тараққиётига хизмат қилган фидойи мутахассис сифатида ҳам алоҳида эътироф этилади.

## Замон билан ҳамнафас

Устоз архитекторнинг фаолияти ўзининг қамрови ва мазмуни жиҳатидан икки муҳим тарихий даврни – собиқ иттифоқ даври ва мустақиллик йилларини ўз ичига олади. Бу икки давр нафақат сиёсий ёки ижтимоий жиҳатдан, балки меъморчилик тамойиллари, эстетик мезонлар ва шаҳарсозлик ёндашувлари нуқтайи назаридан ҳам кескин фарқ қилади.

Айнан шундай мураккаб шароитда у ҳар икки давр талабларига мослаша олди, ўз устида ишлашни тўхтатмади ва ҳар бир босқичда янгича қарашлар билан чиқди. У ўз фаолияти давомида доимий равишда ривожланиб, ўзгариб бораётган замон талабларига мос равишда янги ечимлар тақлиф қилди. Шу жиҳати билан у фақат бир давр меъмори эмас, балки турли тарихий босқичларни боғлай олган универсал ижодкор даражасига кўтарилди.

– Ҳар битта бинонинг ўз “адреси” бўлиши керак, – деди қаҳрамонимиз. – Мисол учун, сай-ёхлар келганда бизнинг тарихий биноларимиз билан замонавий биноларимизга қараб ўзига хошлигимизни билиши зарур. Умуман олганда, дунё меъморчилигидаги энг қийин жараёнлардан бири бу замонавий ҳамда миллий архитектуранинг уйғунлаштириш ҳисобланади. Бунинг учун катта архитектор бўлиш, ўша худуднинг тарихини яхши билиш керак. Мана, IT Парк биносини олсак, у ерда ҳамма нарса ойнадан қилинган. Хоҳлаган шаҳарга бориб кўрсангиз, ойнабанд бинолардан ҳатто бундан яхшиларини кўриш мумкин.

Шунингдек, Азамат Тохтаевнинг меъморчилик ҳақидаги қарашлари замонавийлик ва миллийлик ўртасидаги мувозанатга асосланди. Унинг фикрича, бугунги меъморчилик глобал жараёнлардан четда қолмаслиги, замонавий технологиялар ва халқаро тенденцияларни қабул қилиши зарур. Шу билан бирга, ҳар қандай иншоот ўзининг миллий илдизлари, маданий контексти ва тарихий хотирасини йўқотмаслиги керак. Ана шу икки йўналиш уйғунлиги ҳақиқий замонавий меъморчиликни юзага келтирди.

Айниқса, 2016 йилдан кейин Ўзбекистонда қурилиш соносининг кескин ривожланиши, янги лойиҳалар, йирик инфратузилмавий объектлар ва замонавий архитектура ечимларининг кенг қўлланилиши А.Тохтаев қарашларининг амалий тасдиғи бўлди. Бу даврда меъморчилик нафақат қурилиш соҳаси, балки иқтисодий ва маданий тараққиётнинг муҳим драйверига айланди.

## Устозга эҳтиром

Бутун биз Азамат Тохтаевнинг 80 ёшга тўлиши арафасида унинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлар эканмиз, бир муҳим ҳақиқатни чуқур англаймиз. У ўз умрини нафақат касбига, балки бутун бир миллат тараққиётига бағишлаган фидойи ижодкордир.

80 йил – бу шунчаки вақт ўлчови эмас. Бу йиллар давомида тўпланган тажриба, машаққатли меҳнат, бетакрор ижод ва орда қолган улкан меросдир. А.Тохтаев яратган иншоотлар оддий бетон ва конструкциялардан иборат эмас – улар тарихнинг бир бўлағи, даврнинг ифодаси ва келажак учун қолдирилган маданий издир. Унинг шогирдлари эса бу йўлнинг давомчилари, устознинг қарашлари эса янги авлод учун йўл кўрсатувчи маёқ вазифасини ўтайди.

Шу муносабат билан биз унинг кўп йиллик самарали меҳнатига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз, унга муштаҳкам соғлиқ, бардавом ижод ва узоқ умр тилаймиз. Энг асосийси, унинг бой меъморий мероси ҳали узоқ йиллар давомида ёш авлодлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишига ишонамиз. Азамат Тохтаевнинг ижоди орқали эса биз Ўзбекистоннинг ўтмишини англаймиз, бугунини кўрамиз ва эртанги кунини тасаввур қиламиз.

